

وَعَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ تَوَضَّأَ فِي بَيْتِهِ، ثُمَّ خَرَجَ فَقَالَ: لَا لَزَمَنَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا كُونَنَ مَعَهُ يَوْمِي هَذَا، فَجَاءَ الْمَسْجِدَ، فَسَأَلَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالُوا: وَجَةَ هَهُنَا، قَالَ: فَخَرَجْتُ عَلَى أَثْرِهِ أَسْأَلُ عَنْهُ، حَتَّى دَخَلَ بَيْرُ أَرِيسٍ، فَجَلَسْتُ عِنْدَ الْبَابِ حَتَّى فَصَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتَهُ وَتَوَضَّأَ، فَقُفِّمْتُ إِلَيْهِ، فَإِذَا هُوَ قَدْ جَلَسَ عَلَى بَيْرِ أَرِيسٍ، وَتَوَسَّطَ فَقَهَا، وَكَشَفَ عَنْ سَاقِيهِ وَدَلَّاهُمَا فِي الْبَيْرِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ ثُمَّ انْصَرَقْتُ، فَجَلَسْتُ عِنْدَ الْبَابِ فَقُلْتُ: لَا كُونَنَ بَوَابَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْيَوْمَ، فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَدَفَعَ الْبَابَ فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: أَبُو بَكْرٍ، فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، ثُمَّ دَهْبَتُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ هَذَا أَبُو بَكْرٍ يَسْتَأْذِنُ، فَقَالَ: «أَئْدَنْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ» فَأَقْبَلْتُ حَتَّى قُلْتُ لِأَبِي بَكْرٍ: ادْخُلْ وَرَسُولُ اللَّهِ يُبَشِّرُكَ بِالْجَنَّةِ، فَدَخَلَ أَبُو بَكْرٍ حَتَّى جَلَسَ عَنْ يَمِينِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَهُ فِي الْقُفْ، وَدَلَّ رِجْلَيْهِ فِي الْبَيْرِ كَمَا صَنَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَكَشَفَ عَنْ سَاقِيهِ، ثُمَّ رَجَعْتُ وَجَلَسْتُ، وَقَدْ تَهْكَتُ أَخِي يَتَوَضَّأُ وَيَلْحَفِنِي، فَقُلْتُ: إِنْ يُرِدَ اللَّهُ بِفُلَانٍ - يُرِيدُ أَخَاهُ - حَيْرًا يَأْتِ بِهِ، فَإِذَا إِنْسَانٌ يُجْرِكُ الْبَابَ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ، فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، ثُمَّ حَجَثُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ وَقُلْتُ: هَذَا عُمَرُ يَسْتَأْذِنُ؟ فَقَالَ: «أَئْدَنْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ» فَحِجَثْتُ عُمَرَ، فَقُلْتُ: أَذْنَ، ادْخُلْ وَبَشِّرُكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْجَنَّةِ، فَدَخَلَ فَجَلَسَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْقُفْ عَنْ يَسَارِهِ، وَدَلَّ رِجْلَيْهِ فِي الْبَيْرِ، ثُمَّ رَجَعْتُ فَجَلَسْتُ فَقُلْتُ: إِنْ يُرِدَ اللَّهُ بِفُلَانٍ حَيْرًا - يَعْنِي أَخَاهُ - يَأْتِ بِهِ، فَجَاءَ إِنْسَانٌ فَحَرَّكَ الْبَابَ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: عُثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، وَحِجَثُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَخْبَرَتُهُ فَقَالَ: «أَئْدَنْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ مَعَ بَلْوَى ثُصِيبِهِ» فَحِجَثْتُ فَقُلْتُ: ادْخُلْ وَبَشِّرُكَ

رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالجَنَّةِ مَعَ بَلْوَى تُصِيبُكَ، فَدَخَلَ فَوَجَدَ الْفُقَرَاءَ قَدْ مُلِئَ، فَجَلَسَ
وَجَاهُهُمْ مِنَ الشِّقِّ الْآخِرِ . مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ [خ 3674، م 2403].

وَزَادَ فِي رِوَايَةٍ: «وَأَمْرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِحِفْظِ الْبَابِ وَفِيهَا: أَنَّ عُثْمَانَ حِينَ بَشَّرَهُ حَمْدَ اللَّهِ، ثُمَّ قَالَ: اللَّهُ الْمُسْتَعَانُ» [خ 3693، م 2403].

قَوْلُهُ: «وَجَهَ» هُوَ بِفَتْحِ الْوَاءِ وَتَسْدِيدِ الْحَيْمِ، أَيْ: تَوْجَهَ . وَقَوْلُهُ: «بَئْرٌ أَرِيسٌ»: هُوَ بِفَتْحِ الْهَمْزَةِ وَكَسْرِ الرَّاءِ، وَبَعْدَهَا يَاءُ مُثَنَّاهُ مِنْ تَحْتِ سَاكِنَةٍ، ثُمَّ سِينٌ مُهْمَلَةٌ، وَهُوَ مَصْرُوفٌ، وَمِنْهُمْ مَنْ مَنَعَ صَرْفَهُ .
«وَالْفُقَرُ» بِضَمِ الْقَافِ وَتَسْدِيدِ الْفَاءِ: وَهُوَ الْمَبْنِيُّ حَوْلَ الْبِئْرِ، قَوْلُهُ: «عَلَى رِسْلِكَ» هُوَ بِكَسْرِ الرَّاءِ عَلَى الْمَشْهُورِ، وَقِيلَ بِفَتْحِهَا، أَيْ: ارْفُقْ.

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Уйда таҳорат олиб, чиқдим-да, «Бугун Расул соллаллоху алайҳи васалламдан ажралмайман, у зот билан бирга бўламан» деб аҳд қилдим. Масжидга бориб, Набий соллаллоху алайҳи васалламни сўрасам, у зот чиқиб кетгандарини, анави томонга кетгандарини айтишди. Ортларидан чиқиб, у зотни сўрасам, Арийс қудуғи (жойлашган чорбоғ)га кирган эканлар. Эшикнинг олдига ўтириб олдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қазои ҳожат қилиб, таҳорат олдилар. Туриб, ёнларига борсам, Арийс қудуғининг лабига ўтириб, болдириларини очиб, уларни қудуққа осилтириб олган эканлар. У зотга салом бериб, кейин қайтиб бориб, эшикнинг олдида ўтирдим. «Бугун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг эшикбонлари бўламан», дедим.

Бир пайт Абу Бакр келиб, эшикни итарди. «Ким бу?» дедим. «Абу Бакр», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакр экан. Изн сўраяпти», дедим. У зот: «Унга изн бергин-да, жаннат хушхабарини бер», дедилар. Қайтиб бориб, Абу Бакрга «Кир, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сенга жаннат хушхабарини беряптилар», дедим. Абу Бакр кириб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўнг томонларига, қудуқнинг лабига ўтириб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга ўхшаб, болдирини очиб, оёқларини қудуққа осилтириб олди. Кейин мен қайтиб бориб, (жойимга) ўтирдим.

(Уйда) таҳорат олаётган укамни қолдириб келган эдим, у ортимдан келиши керак эди. «Аллоҳ фалончига - яъни укамга - яхшилик ирода қилган бўлса, уни келтиради», дедим. Шу пайт бир инсон эшикни қимирлатди. «Ким бу?» десам, «Умар ибн Хаттоб», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, Расулуллуҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом бериб, «Умар экан. Изн сўрайяпти», дедим. У зот: «Унга изн бергин-да, жаннат хушхабарини бер», дедилар. Келиб, Умарга: «Расулуллуҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изн бериб, сенга жаннат хушхабарини бердилар», дедим. У кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чап томонларига, қудуқнинг лабига ўтириб, оёқларини қудуқقا осилтириб олди. Қайтиб бориб, (жойимга) ўтирдим. «Аллоҳ фалончига - яъни укамга - яхшилик ирода қилган бўлса, уни келтиради», дедим.

Шу пайт бир инсон келиб, эшикни қимирлатди. «Ким бу?» десам, «Усмон ибн Аффон», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, у ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бердим. У зот: «Унга изн бергин-да, унга етадиган мусибат билан бирга жаннат хушхабарини бер», дедилар. Келиб, «Кир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга етадиган мусибат билан бирга сенга жаннат хушхабарини бердилар», дедим. У кирса, қудуқнинг лаби тўлиб қолган экан. Шунда у уларнинг рўпаралариға - бошқа томонга ўтириди.

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени эшикка қараб туришни буюрдилар. Усмонга жаннат хушхабари берганларида, Аллоҳга ҳамд айтиб, сўнгра «Аллоҳ ўзи мададкор», деб айтганини» зиёда қилинди.

Манба: hadis.islom.uz

